2008 ЙИЛ, 25 АПРЕЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 79 (11.140)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 63 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 80 000 (саксон минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 24 апрель.*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар



**КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ МАРКАЗИЙ ПАВИЛЬОНЛАРИДА ЮРТИМИЗ ТИББИЁТ СОҲАСИНИНГ НУФУЗЛИ АНЖУМАНИ — «ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАФТАЛИГИ — ТІНЕ 2008» КЎРГАЗМАЛАРИ ИШ БОШЛАДИ. ЭЪТИБОРЛИ ТОМОНИ, МАЗКУР ЛОЙИҲА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ БИР ЙЎЛА 4 ТА КЎРГАЗМАНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН. ІТЕ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР КОМПАНИЯСИ УШБУ ТАДБИРНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ БЎЛСА, УНИНГ ҲАМКОРИ ІТЕ EXHIBITION G CONFERENCES LTD (БУЮК БРИТАНИЯ) КОМПАНИЯСИДИР.**

*Кўргазмалар*

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАФТАЛИГИ

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Стоматологлар уюшмаси, «Дори-дармон» ва «Ўзтибтехника» акциядорлик компаниялари расмий қўллаб-қувватловчилардир.



Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида «Соғлиқни сақлаш — ТІНЕ 2008» 13-Тошкент халқаро кўргазмаси, «Дорихона экспо-apteka EXPO Uzbekistan 2008» 3-ихтисослашган Марказий Осиё Халқаро кўргазмаси, «Гўзаллик ва эстетик тиббиёт — BEAUTY UZBEKISTAN 2008» 2-ўзбек Халқаро кўргазмаси ва «Стоматология — Stomatologiya UZBEKISTAN 2008» 4-ўзбек Халқаро кўргазмаси бир йўла иш юритмоқда.

«ТІНЕ» лойиҳасига 1995 йилда илк бор асос солинган эди, бундан ўн уч йил аввал ite Uzbekistan компанияси «Соғлиқни сақлаш — ТІНЕ» Тошкент халқаро кўргазмасини ташкил қилди ҳамда уни муваффақиятли ўтказди. Шу вақтдан эътиборан мазкур кўргазма анъанавий тус олди. «ТІНЕ» ўтказила бошланганидан буён ўтган вақт мобайнида у кўргазма доирасидан чиқиб, тиббиёт жамоатчилигининг бош халқаро анжуманига айланиб улгурди ҳамда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги» нуфузли номини олди.

Лойиҳа доирасида 4 та ихтисослашган кўргазмадан ташқари, стоматологларнинг йиллик Халқаро анжумани, жумладан, илмий семинарлар туркуми бўлиб ўтади, лойиҳаларнинг қўшиб ўтказилиши кўргазмалар иштирокчиларига ушбу соҳадаги энг сўнгги ютуқлар, илмий ва техникавий ишланмалар — замонавий ускуна ва технологиялар, шошилинч тиббий ёрдам, лаборатория, стоматология асбоб-ускуналари, фармацевтика препаратлари ва технологиялари, пластик жарроҳликда қўлланиладиган чоклаш материаллари, тиббиёт мебеллари ва аксессуарлар намойиши тиббиёт бозори ривожланиши тенденцияларини таҳлил қилиш имконини беради. Асосийси эса ҳафталик доирасидаги кўргазмалар юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш давлат дастурини амалга оширишга қаратилганлиги.

*(Давоми 2-бетда).*

## «ЛУКОЙЛ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

*Муҳтарам меҳмонлар,*

*«ЛУКОЙЛ» компанияси Директорлар кенгаши мажлиси иштирокчиларини самимий қутлайман.*

*Бу муҳим тадбирнинг Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида ўтказилиши улкан углеводород хомашёси заҳирасига, уни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича ривожланган индустрияга эга бўлган мамлакатимиз билан «ЛУКОЙЛ» компаниясининг ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.*

*Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, энг аввало стратегик муҳим энергетика соҳасида ўзининг табиий-хомашё ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича комплекс ҳамда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурларни амалга оширишдан иборат қатъий йўлни танлаб олди. Уларни амалга оширишда етакчи хорижий компаниялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Биз мазкур компаниялар билан ўзаро наф кўриш ва томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида изчил ҳамкорлик қилишга интилмоқдамиз.*

*Ўзбекистонда Россиянинг бутун дунё эътироф этган «ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти компанияси билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантиришга, умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган, 35 йилга мўлжалланган қўшма дастурни тўлиқ ҳажмда амалга оширишга муҳим аҳамият берилмоқда.*

*Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, 2007 йилда «ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти билан «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ўртасида маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим доирасида Қандим гуруҳи, Ховузак, Шоди конларини ривожлантириш ва Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини олиб бориш лойиҳаси бўйича ишга тушириладиган биринчи комплекс фойдаланишга топширилди.*

*«ЛУКОЙЛ» ҳал қилувчи ўрин тутадиган халқаро консорциум томонидан Орол денгизи акваториясида геология-қидирув ишларини олиб бориш ва янги углеводород конларини ўзлаштириш лойиҳаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий қисмидаги Қашқадарё вилояти ҳудудида компаниянгиз томонидан нефть ва газ конлари ўзлаштирила бошланганининг катта истиқболга эгадир.*

*Ишончим комилки, тўпланган ижобий шериклик тажрибаси ва энергетика ресурсларини самарали қидириш ҳамда ўзлаштириш йўлидаги ҳамкорлигимиз Ўзбекистон иқтисодиёти ва компаниянгизни ривожлантиришнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилади.*

*«ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти Директорлар кенгаши мажлиси қатнашчиларига самарали ишлашларини ва белгиланган режаларни амалга оширишда янада юксак муваффақиятларга эришишларини тилаб қоламан.*

*Ҳурмат ва эҳтиром билан,*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

## ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ — САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

**ТОШКЕНТДА "ЛУКОЙЛ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ (РОССИЯ) ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ САЙЁР МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИ, "ЎЗБЕКНЕФТГАЗ" МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ РАҲБАРЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Лукойл" компанияси Директорлар кенгашининг Тошкентдаги мажлиси иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов ўқиб эшиттирди.

"Лукойл" ОАЖ президенти Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига ушбу муҳим тадбирга қаратган эътибори учун самимий миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

**(Давоми 2-бетда).**

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

**24 АПРЕЛЬ КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ 2006 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ВА НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ТОМОНИДАН ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИГА ДОИР 275-1-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.**

Кенгаш мажлисида қайд этиб ўтилдики, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан прокуратура органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қай даражада амалга оширилаётганлигини тизимли мониторинг ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида муайян ишлар қилинмоқда. Давлат органларининг фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга доир ишларини мувофиқлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг, ички ишлар ва давлат божхона органларининг, шунингдек бир қатор маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича 2007 йилда ўтказилган мониторинг доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қарорлар устидан судга шикоят беришга доир ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига оид қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ айрим ҳолатлар аниқланди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан 2007 йилда судларга жами 617 миллион сўмдан ошадиган 1430 та даъво аризаси берилди. Адлия органларига тадбиркорлик субъектларидан қарийб олти мингта мурожаат келди, бу мурожаатларнинг 70,2 фоизи қаноатлантирилди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг кўламда эркин фойдалана олишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий жиҳатдан ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатлари тизимга солинишини ташкил этиш, шунингдек қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатлари ҳисобини тизимли тарзда юритиш қоидалари ишлаб чиқилди. Ўн олти мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз ичига олган қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси яратилди. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — "Собрание законодательства Республики Узбекистан» нашри мунтазам равишда чоп этилмоқда. Юридик адабиётлар, газета ва журналларнинг шундай адабиёт ва нашрларининг электрон автоматлаштирилган кутубхона каталоги яратилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаётган адлия органлари томонидан 43 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди, 370 га яқин ўқув ва илмий-юридик китоб, услубий қўлланма тайёрланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати**

## Қисқа сатрларда

• **КЕЧА** Чилонзор туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги ташаббуси билан фаоллар ва ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

• **КЕЧА** Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган илмий-амалий тадбир «Тошкент ва тошкентликлар» деб номланди.

• **ЭРТАГА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида Ёшлар йили муносабати билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади.

• **БУГУН** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Ким эпчилу, ким чаққон?» йўналишида уюштирилган спорт мусобақаларида 10-13 ёшли болалар ва ўсмирлар иштирок этишди.

• **КЕЧА** Ҳамза туман ҳокимлигида гиёвандликнинг зарари ҳамда терроризмга қарши курашда ёшларнинг ўрни масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

• **КЕЧА** шаҳримизда тадбиркорлар, ишбилармонлар иштирокида ўтказилган форум сифат тизимини такомиллаштириш, сертификатлашни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказди. Музокара якунида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси билан Афғонистон Ислом Республикаси Энергетика ва сув ресурслари вазирлиги ўртасида англашув меморандуми имзоланди.**

• **Тошкентдаги «Марказий» меҳмонхонасида «Маданий лойиҳаларнинг узоқ муддатли самарадорлиги ва унда Ўзбекистоннинг миллий-ижодий салоҳияти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Швейцариянинг Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича бюроси ташаббуси билан ўтказилди.**

• **Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2008 йил биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.**

• **«ЛУКОЙЛ Оверсиз» компаниясининг филиали бўлган «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон» компаниясининг саъй-ҳаракатлари билан Бухоро вилоятидаги Хаузак ҳудудида 8 та газ қазиб олинадиган қудуқлар ишга туширилди.**

• **Бухоро туманидаги Работиқози қишлоғидаги кичик корхоналар сони биттага кўпайди. Бу ерда сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Иншоот турхал» МЧЖ фаолият кўрсата бошлади. Корхонада Хитойдан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилига катта ва кичик ўлчамли 500 минг дона харидоргир сочиқлар ишлаб чиқарилади.**

• **Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида машҳур опера бастакори Жакомо Пуччини таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб саҳналаштирилган «Севгим самоси» деб номланган янги саҳна асарининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

• **Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманидаги Оқартма қишлоғида 30 ёшгача бўлган бахшилар ҳамда сибизға, чанқовуз каби миллий созлар ижрочилари ўртасида «Бахшили эл ботирларни унутмас» номли кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

• **Навоий шаҳрида тез орада ўнта кўп қаватли турар жой бинолари бунёд этилади. Улардан янги мавзе шакллантирилади. Ҳозирда 78 хонадонли дастлабки кўп қаватли уйнинг қурилиши бошланди. Уни «Navoi FSK» МЧЖ қурувчилари бунёд этмоқдалар.**

### ЖАҲОНДА

• **Франция Президенти Николя Саркози агарда Хитой Далай-Лама билан музокараларни бошламаса «Пекин — 2008» Олимпиадасининг очилиш маросимини бойкот қилишга ҳаракат этажагини маълум қилди.**

• **Фаластиннинг ХАМАС ҳаракати Исроил билан ярашишга рози эканлигини билдирди.**

• **НАТО Бош котибининг вакили Р.Симонснинг таъкидлашича, НАТО Абхазия ва жанубий Осетия можароларини ҳал этишда бевосита қатнашмайди.**

• **Кеча Чили пойтахти Сантьяго шаҳрида таълим соҳасидаги ислоҳотларга норозилик билдирган ҳолда юзлаб ёшлар намойишга чиқдилар. Полиция уларни тинчитиш учун кўзни ёшлантирувчи газ ва сув босимидан фойдаланишга мажбур бўлди. Намойишда қатнашган 200 дан ортиқ ёшлар ҳибсга олинди.**

• **Россия давлат Думаси Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва чекишга қарши кураш доирасидаги конвенциясини ратификация қилди. Эндиликда яқин вақт ичида давлат Думаси томонидан барча турдаги тамаки маҳсулотларининг рекламасини тақиқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши кутилмоқда.**

• **Кеча Германияда «Қизлар куни» байрами нишонланди. Унда юз минглаб мактаб битирувчилари бўлмиш қизлар мамлакатдаги корхона, ташкилот, муассасалар ва ҳарбий қисмларда бўлиб, турли касб малакалари билан танишдилар.**

• **Бангладеш пойтахти Дакка шаҳри яқинидаги темир йўл кесишмасида ҳаракатдаги поезднинг автобусни уриб кетиши натижасида автобусдаги 20 киши ҳалок бўлган, 40 киши эса жароҳатланган. Поезддаги йўловчиларга зарар етмаган.**

• **Жанубий Хитойнинг Сиша архипелагида палубасида 56 нафар балиқчи бўлган учта кема бедарак йўқолди. Маълумотларга кўра, балиқчилар билан ҳодисадан бир кун олдин охирги марта радиоалоқа ўрнатилган экан. Ўшанда балиқчилар денгизда ноқулай об-ҳаво ҳукум сураётганини маълум қилишган.**

• **Қозон шаҳрида ўтказилган хоккей бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида канадалик спортчилар ғалаба қозонишди.**

• **Кеча Москвада машҳур ЦСКА клубининг 85 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Таъкидлаш жоизки, ҳар хил спорт турлари бўйича ушбу клуб вакиллари томонидан фақат Олимпиадаларнинг ўзида мингдан ортиқ турли медаллар қўлга киритилган.**

### ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

**АЙНИ КУНЛАРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВЛАРДА ШАҲРИМИЗ ТАРИХИ, ЎТМИШИ ВА БУГУНИ ҲАҚИДАГИ КЎПЛАБ МАЪЛУМОТЛАР ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ НИҲОЯТДА ҚИЗИҚТИРМОҚДА.**



## ЁШЛАРДА УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Камолот» ЁИҲ Миробод тумани бўлими ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан «Тошкент ва тошкентликлар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда тарихшунос олимлар, халқ усталари ҳамда Миробод туманидаги коллежлар, академик лицей ва мактаблар ўқувчилари иштирок этдилар. Йиғилишда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори Жаннат Исмоилова сўзга чиқиб, Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича ёшларни шаҳримиз ўтмиши ва бугуни билан яқиндан таништириш, уларнинг қалбида она шаҳримизга меҳр-муҳаббат туйғусини ошириш зарурлигини қайд этиш баробарида, шаҳримизнинг азалдан-ўзига хос меъморий обидалари,минглаб алломаларнинг ноёб қўлёзма асарларига бой кутубхона ва бошқа муассасалари, уста ҳунарманд, хаттот ва мусаввирларнинг ижод намуналарини асраб келаётган музей ва маданият ўчоқлари билан дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ устаси Акбар Раҳимов «Тошкентнинг машҳур кулоллари санъати тарихи» ҳақида, ЎзРФа академиги Ў.Исломов «Обираҳмат тилсими», Республика «Олтин мерос» жамғармаси раиси ўринбосари Т.Бойназаров, Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси А.Муҳаммадкаримовнинг «Тошкент шаҳри тарихи», «Жой номларининг тарихи» мавзуларида қилган қизиқарли маърузалари тадбирга йиғилган ёшларда катта таассурот қолдирди. «Тошкентнинг дунё цивилизациясида тутган ўрни» мавзусида Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Н.Ризаеванинг маърузаси ҳам иштирокчиларга манзур бўлди. «Тошкент шаҳрининг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши айниқса ўқувчи-ёшларда унутилмас таассурот қолдирди.

— Бугунги тадбирда иштирок этиб, жонажон шаҳримиз ҳаётига оид кўп маълумотларни билиб олдим, —дейди Миробод туманидаги 154-мактабнинг «Камолот» ЁИҲ етакчиси Доно Қаландарова. — Мен Тошкентимизнинг кундан-кунга гуллаб-яшнаётган, обод бўстонга айланаётганлигидан, шу юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Шаҳримизнинг 2200 йиллиги нишонланадиган йилда биз ёшлар ҳам пойтахтимизнинг янада обод ва кўркам бўлишида ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз, албатта.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**

**Алексей Попов олган сурат.**

## ПОЙТАХТИМИЗ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

**АЗАЛ-АЗАЛДАН НАФАҚАТ БОЙ ЎТМИШИ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ, БУЮК АЛЛОМАЛАРИ, ОЛИМУ ФУЗАЛОЛАРИ БИЛАН ШАРҚДА ДОНГ ТАРАТГАН, БАЛКИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЮРАГИ, БОШ КЕНТИ БЎЛГАН АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ БЎЛИШ БИЛАН БИРГА ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ ҲАМДИР.**

Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори барчамизни беҳад қувонтирди. Ҳамиша навқирон, обод ва кўркам бўлиб бораётган пойтахтимизнинг юбилейи олдидан жойларда турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, танловлар кенг тус олмоқда. Жумладан куни кеча Яккасарой туманида жойлашган «Гидропроект» очиқ акциядорлик жамиятида Маънавият тарғибот марказининг Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан Президентимизнинг мазкур қарорини жойларда кенг тарғиб этиш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти Б.Абдуллаев, Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими бош мутахассиси М.Каримовалар Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида тўхталиб, келгусида она шаҳримизни янада обод ва озода шаҳарга айлантириш, унинг ҳар бир қарич ерини эъзозлаш, тинчлик-осойишталигимизни сақлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз эканлигини таъкидладилар. Зеро юрт мустақиллиги, тинчлиги замирида янада гуллаб-яшнаётган, чаман бўстонга айланаётган, жаннатмонанд азим Тошкент шаҳрининг юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни қизғин нишонлашга ҳаммамиз муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ЎЗАВТОСАНОАТДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ КЕНГАЙМОҚДА

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «ЎЗАВТОСАНОАТ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАРМОҒИДАГИ КОРХОНАЛАР КЎРГАЗМАСИ БЎЛДИ. ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, УНДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН 19 КОРХОНАНИНГ 12 ТАСИ ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЎРНИНИ БОСАДИГАН МАҲАЛЛИЙ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.**

Бугунги кунда компания тизимидаги ана шундай корхоналарнинг саъй-ҳаракати боис, автомобил саноатидаги маҳсулотларнинг 50 фоизига яқини маҳаллийлаштирилди. Қолаверса, автомобилсозликда муҳим ўрин тутадиган модернизация жараёни ҳам доимо диққат марказида турибди. Ўтган йили 171 минг дона автомобил ишлаб чиқарган «Женерал Моторс Ўзбекистон» қўшма корхонасида жорий йилда янги прессловчи цех ишга туширилди. Бу эса замонавий машинасозликда улкан аҳамиятга эга.

Самарқанддаги «Самавто» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида жорий йилда икки мингта автомобил ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ўтган йилда бу кўрсаткич 1,5 минг донани ташкил этганини ҳисобга олсак, ўсиш салмоғи яққол кўзга ташланади.

Бундан ташқари қатор корхоналар ҳам хориждан келтириладиган автомобил қисмларини тайёрлаб, маҳсулотни маҳаллийлаштиришга муносиб улуш қўшишмоқда. Жумладан, «Стеклопластик» акционерлик жамиятида орқа бамперлар, «Алютекс» қўшма корхонасида алюминий профиллар тайёрланмоқда.

Шунингдек, бу борада Жиззахда фаолият кўрсатаётган «Эксайд» қўшма корхонасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда машина аккумулятори батареяларининг 14 тури ишлаб чиқарилмоқда. Кўргазмада шу корхона томонидан тайёрланган яна бир Туркиядан олиб келинадиган эҳтиёт қисм — моноблоклар намойиш этилмоқда. «Эксайд» қўшма корхонасида ўтган йили 450 минг дона эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Корхона маҳсулотларига асосий харидорлари «Женерал Моторс Ўзбекистон», «Самавто», «ТТЗ» кабилар қаторига Россия ва Қозоғистон ҳам қўшилгани қувончли ҳолдир.

Кўргазмада шу билан биргаликда, «ЎзДонгЯнг», «ЎзСэмМюнг» қўшма корхоналари, «Автоойна», «Андижонирмаш» каби акционерлик жамиятларининг маҳсулотлари ҳам намойиш этилмоқда.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
***«Туркистон-пресс»***

## ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ – АМАЛДА

**ПОЙТАХТИМИЗДА "ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОНИ ҚЎЛЛАШГА ДОИР ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР" МАВЗУИДА УЧИНЧИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ФЕДЕРАЛ АГЕНТЛИК (РОССИЯ) МУТАХАССИСЛАРИ ВА ЭКСПЕРТЛАРИ ИШТИРОКИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Форумда республикамиз вазирлик ва идоралари, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз ва хорижий илмий марказлар ҳамда компаниялар, тижорат тузилмалари, ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи фирмалар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда, электрон ҳужжат айланишини кенг жорий этиш ва қўллаш жараёнларини фаоллаштириш, энг долзарб муаммоларни аниқлаш ва кўриб чиқиш, илғор ютуқлар билан танишиш ҳамда тажриба алмашишдан иборат.

— Бугун мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Хўжаев. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ва 2010 йилгача компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ ушбу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Давлат органлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш, автоматлаштирилган давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини ташкил этиш, давлат органларининг ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан интерфаол ҳамкорлигини таъминлаш, электрон тижорат элементларини рўёбга чиқариш ва электрон тўлов механизмларини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир. Электрон ҳужжат айланиши, давлат ёки тижорат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ интерфаол ҳамкорлик шароитида электрон рақамли имзони қўллаш бу вазифаларни амалга ошириш борасидаги энг асосий омил ҳисобланади.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан "Электрон рақамли имзо тўғрисида" ва "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш ва электрон рақамли имзони қўллаш учун ҳуқуқий асос яратди. Шунингдек, ушбу қонун актларида электрон ҳужжат қонуний кучга эга бўлиб, электрон рақамли имзо унинг мажбурий реквизити экани белгиланди. Бу борада электрон ҳужжат айланишининг ўзи қонуний кучга эга бўлмоқда ва у субъектлар фаолиятида, шу жумладан электрон тижоратда самарали қўлланилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш бўйича учта расмий рўйхатдан ўтган марказ ишлаб турибди. Уларнинг давлатга қарашли бўлган иккитаси Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Давлат солиқ қўмитасида, яна бири эса "Multisoft Solutions" хусусий корхонасида фаолият кўрсатмоқда. Шу кунгача берилган электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари сони 10 мингдан ошди.

Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги ва ишончлилигини, ҳужжатлар ижросини бошқариш ҳамда амалий назорат қилиш сифатини оширади. Бошқарув фаолиятида ҳужжат таъминоти билан боғлиқ харажатлар камаяди.

Электрон ҳужжат айланиши хизматларини қўллашга бўлган эҳтиёж, айниқса, рухсат берувчи ҳужжатлар, солиқ, молия, статистика ва бошқа ҳисобдорликни йиғиш билан боғлиқ турли хизматларни кўрсатишда давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ҳамкорлиги жараёнида ортади. Бугунги кунда статистика органларида электрон шаклдаги давлат статистика ҳисобдорликларини қабул қилишга оид тажриба лойиҳаси амалга оширилмоқда, солиқ инспекцияси органларида ҳам ана шундай тизим шаклланган.

Электрон ҳужжат айланиши хизматлар ва товарларни сотиш, электрон савдони амалга оширишда субъектларнинг интерфаол ҳамкорлиги учун самарали восита ҳисобланади. Томонлар ўртасидаги битимлар Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузилмоқда. Интерфаол бизнеснинг ушбу янги тури томонларнинг ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, кўп меҳнат талаб қиладиган операцияларни автоматлаштириш ва даромад олишни кўпайтириш имконини бераётир.

— Ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни кучайтириш жуда муҳим, — деди ЎзА мухбирига "Крипто-ПРО" МЧЖ тижорат директори (Россия) Юрий Маслов. — Мен бундай анжуманда биринчи марта иштирок этаётганим йўқ ва Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик йилдан йилга ривожланмоқда, хўжаликлараро алоқалар кучаймоқда, тадбиркорлик доиралари шериклик муносабатлар фаол йўлга қўйилмоқда, бинобарин, бундай шароитда электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган трансчегаравий ахборот ҳамкорлигига эҳтиёж ортади.

Анжуманда электрон шаклда интерфаол давлат хизматларини кўрсатишни ташкил этиш тамойиллари, интеграциялашган давлат ахборот тизимларини яратиш, давлат ахборот ресурсларини ҳудудий-макон интеграциялашувини таъминлаш, барча даражада электрон хизматлар кўрсатиш имконини берадиган электрон муҳитни шакллантириш каби долзарб масалалар муҳокама этилмоқда. Шахсий ахборот ва хавфсизликни ҳимоя қилишни таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Тадбирда Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори М.Маҳмудов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиғи Ф.Аъзамов, Ахборот технологиялари федерал агентлигининг халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи (Россия) С.Хламов, "ИнтерТрастИнфо" Илмий-техника маркази" МЧЖ бош директори маслаҳатчиси (Россия) С.Кирюшкин ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Анжуман 25 апрелгача давом этади. Унинг қатнашчилари компаниялар ва ташкилотларнинг ахборот технологиялари, электрон ҳужжат айланиши ва ахборотни ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус экспозицияси билан ҳам танишадилар.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАФТАЛИГИ

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Кўргазмаларнинг бирлашган экспозицияларида ҳамюртларимиз билан бир қаторда жаҳоннинг 20 та давлатларидан келган 143 та етакчи компаниялар қатнашганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Булар — Германия, Эрон, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, Покистон, Малайзия, Швейцария, Италия, Польша, Латвия, Беларус, Россия, Арманистон, Қозоғистон каби давлатлардир. Иштирокчи компанияларнинг 50 таси бу ердаги кўргазмаларда биринчи бор қатнашмоқда (лойиҳа иштирокчилари умумий сонининг 34 фоизини ташкил этади). 60 та компания стендларида тиббий ускуналар, тиббиёт анжомлари, мебелларига кенг экспозициялар ажратилган. Чунончи, германиянинг «CARI ZEISS», «GIMMI GMBN», «FALK PHARMA GMB», «PHYSIOMED» ELEKTROMEDIZIN AG» каби етакчи



компаниялари тиббиёт ва лаборатория ускуналарининг энг янги намуналарини келтиришган. Москва шаҳридаги «Ас-Медика» тиббиёт ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар уюшмаси ва бошқа компаниялар илк бор юртимизга ташриф буюришган.

Бундан ташқари 47 та компания фармацевтика препаратлари, технология ва гигиена воситаларини намойиш этишмоқда. Масалан, Эрон давлатидаги энг катта «Darou Paksh» концерни, Польшанинг «HERBAPOL» етакчи ишлаб чиқарувчиси, Россиядан «Алтайвитамини» таниқли дори воситалари ишлаб чиқарувчи компаниялари ҳамда Украина компаниялари кенг экспозициялар тайёрлаганликлари билан алоҳида ажралиб туришди.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги» доирасида ўтказиладиган тиғиз илмий дастурлар ҳам мазкур лойиҳанинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Анъанага кўра унда стоматологларнинг 4-Тошкент Халқаро анжумани бўлиб ўтади, унда юртимизнинг етакчи олимлари билан бир қаторда Жанубий Корея, Италия, Канада давлатларининг стоматологик клиникаларининг профессорлари ҳам қатнашишлари кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, бу кўргазмалар республикамиз тиббиёт тармоғига замонавий технологияларни жорий қилишда ёрдам беради, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам, деб ҳисоблаш мумкин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳафталиги –TIHE 2008» кўргазмаларидан лавҳалар**

**Наталья Семёнова олган суратлар**

## ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ — САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштириш имконини бермоқда. Ўзбекистон улкан нефть-газ салоҳиятига эга. Ўзбекистон ва Россия нефть-газ қазиб олувчилари ҳамкорлигининг имкониятлари ҳам катта. Бу эса ўзаро муваффақиятли ҳамкорликнинг муҳим омили ҳисобланади.

"Лукойл" Ўзбекистонни инвестиция киритиш бўйича ўзининг стратегик муҳим ҳамкори, деб ҳисоблайди. Биргаликда амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳам бундан далолат беради. Ховузак кони ўзбекистонлик шериклар билан кўп йилга мўлжалланган ҳамкорликнинг дебочасидир.

Мажлисда "Лукойл" Директорлар кенгаши Ўзбекистонда лойиҳаларнинг қандай амалга оширилаётганини кўриб чиқди. Кун тартибига нефть компанияси акциядорларининг йиллик мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш масаласи ҳам киритилган. 2007 йилда катта миқдорда соф даромад олинди. Ўзбекистонда лойиҳаларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши ҳам бунда муҳим омил бўлди.

Маълумки, "Лукойл" сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорида самарали фаолият юритмоқда. Тошкентда компания ваколатхонаси очилди, "Лукойл оверсиз Ўзбекистон Лтд" шўъба корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхона "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси билан Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим асосида имзоланган Қандим-Ховузак-Шоди-Қўнғирот мега-лойиҳасини амалга ошириш билан шуғулланмоқда. Лойиҳа 35 йилга мўлжалланган. Бу ерга киритилаётган инвестиция миқдори уч миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ҳамкорликдаги лойиҳани амалга оширишда сезиларли натижаларга эришилди. Ўтган йили Денгизкўл қирғоғида жойлашган Ховузак газ кони фойдаланишга топширилди. Бу ерда қисқа вақт ичида сейсмологик қидирув ишлари ўтказилди, фойдаланиладиган қудуқлар қазилди, участка ободонлаштирилди, электр энергиясини узатиш линияси барпо этилди, автомобиль йўли қурилмоқда. Хитойнинг тегишли тендерда ғолиб чиққан TUHA компанияси бурғулаш ишлари пудратчиси этиб тайинланди. Ховузакда жами 37 та қудуқ қазилади.

"Лукойл оверсиз" ва "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси Ховузак участкасидан Денгизкўл-Муборак газ қувурига узлуксиз газ етказиб бермоқда. Ҳозир ушбу конда 15 та бурғулаш қудуғи ишлаб турибди. Йил охирида уларнинг сони 23 тага етади. Газни олдиндан тозалаш қурилмаси ишга туширилди. Муборак газни қайта ишлаш заводидаги қувватлардан фойдаланилмоқда.

Тегишли созлаш ва синовдан ўтган барча ускуналар белгиланган тартибда ишламоқда. Кон ишчи-ходимлар билан тўлиқ таъминланди, техник-муҳандислар Ўзбекистон ва Россиядаги касб-ҳунар ўқув марказларида тегишли тайёргарликдан ўтган.

Қандим-Ховузак-Шоди-Қўнғирот лойиҳаси бўйича жами 180 та янги қудуқ қазиш ва узунлиги бир ярим минг километрдан ортиқ газ узатиш қувурларини барпо этиш режалаштирилган. Конлар лойиҳада белгиланган қувват билан ишга тушгач, бу ерда йилига 10 миллиард куб метрдан ортиқ газ қазиб олинади.

Қандим гуруҳи конларида бир йилда 8 миллиард куб метр газ қазиб олиш қувватига эга замонавий газ-кимё мажмуини барпо этиш режалаштирилмоқда. Унинг биринчи навбатини 2011 йилда ишга тушириш кўзда тутилган.

"Лукойл" компанияси Қандим-Ховузак-Шоди-Қўнғирот йўналишидан ташқари яна бир йирик ва мутлақо янги "Орол" лойиҳасини амалга ошириш, яъни Орол денгизининг Ўзбекистондаги қисмида Маҳсулотни тақсимлаш битими асосида углеводород конларини қидириш ҳамда ўзлаштиришда иштирок этаётир.

Орол денгизи акваториясида геология-қидирув ишларини ўтказиш бўйича лойиҳани амалга ошириш 2006 йилнинг 30 сентябрида бошланган эди. Бунинг учун инвесторлар халқаро консорциуми ташкил этилди.

Бугунги кунда "Лукойл" Ўзбекистондаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 500 миллион АҚШ доллари сарфлади. 2015 йилгача инвестициялар ҳажмини 5,5 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида Тошкентда "Лукойл" очиқ акциядорлик жамияти Директорлар кенгашининг сайёр мажлиси ўтказилиши Ўзбекистон ва Россия нефть-газ қазиб олувчилари ўртасида қарор топган ўзаро манфаатли шериклик муносабатларининг яққол далили экани таъкидланди. Пойтахтимизда ўтган ушбу тадбир, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**ЎзА мухбири**

## ЁШЛАР БИРДАМЛИГИ ЙЎЛИДА

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА 24 АПРЕЛЬ – ХАЛҚАРО ЁШЛАР БИРДАМЛИГИ КУНИГА БАҒИШЛАБ "БИЗ ЁШЛАР ҲАМИША БИРГАМИЗ!" ДЕБ НОМЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, талаба ва ўқувчилар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И.Саифназаров мамлакатимизда ёшларни бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш, уларнинг жамиятда муносиб ва мустаҳкам ўрин олиши учун пойдевор яратиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади. Таълим, маданий-маърифий, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар айни шу эзгу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

"Ёшлар йили" Давлат дастурида йигит-қизларнинг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ёш авлодни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, катта ҳаётга энди қадам қўйган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлашда давлат ташкилотлари билан бирга жамоат бирлашмалари, жумладан, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тадбирда Республика болалар ижтимоий мослашуви марказига ташкилотчиларнинг ҳомийлик совғалари топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

